



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 4 июнь, № 110 (8733)

Сешанба

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 3 июнь куни ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Дунёда иқтисодий вазият қийинлашган ҳозирги шароитда кўпроқ иш ўрни яратадиган, инвестиция ва экспортни кўпайтирадиган соҳаларни қўллаб-қувватлаш зарур. Туризмда бундай салоҳият катта. Бу соҳага йўналтирилган ҳар бир доллар келгусида 3-4 баробар даромад келтиради. Ҳар бир янги иш ўрни бошқа тармоқларда яна 2 та иш жойи ҳосил қилади.

Мамлакатимизда тарихий, маданий ва ҳушманзара гўшалар кўп. Уларнинг негизинда туризм масканлари, меҳмонхоналар барпо этилди. Тартиб-таомиллар соддалаштирилиб, сайёҳлик бизнесига қўлайлик яратилди. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилди.

Ўтган йил октябрда Самарқандда бўлган Бутунжаҳон туризм ташкилоти форуми доирасида 2 миллион 300 миллион долларлик инвестициявий келишувларга эришилган эди. Улар орасида туризм инфратузилмасини ривожлантириш, янги масканлар барпо этишга қаратилган лойиҳалар кўп.

Жумладан, хорижий инвесторлар томонидан Шаҳрисабз туманидаги Фелон ва Сарчашма қишлоқлари орасида 3 минг гектарли тоғ-чанги мажмуаси ташкил қилиш бошланди. Мираки қишлоғи бўйича ҳам мастер режа ишлаб чиқилмоқда.

Бу туманининг тарихи ҳам, табиати ҳам диққатга сазовор. Қолаверса, Шаҳрисабз шаҳри Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг "2024 йилдаги туризм пойтахти", деб эълон қилинган.

Шу боис у ерда туризмни ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Биринчи галда Шаҳрисабз шаҳри ва Шаҳрисабз туманида туризм кластери ташкил этилади. 33 километрли Ҳисорак — Фелон ва Ҳисорак — Сарчашма йўли кенгайтирилиб, таъмирланади. Чироқчи — Шўрқудуқ автомобиль йўли яхшиланади, Самарқанддан Шаҳрисабзга қатнов вақти қисқаради.

Фелондан ўтувчи Оқсу дарёсида қуввати 24 мегаваттлик 3 та гидроэлектр станция ишга туширилади. Натижада туризм кластерида электрдан муаммо бўлмайди. Шаҳрисабз туризм техникумида Швейцария дастури асосида йилига 100 нафар мутахассис тайёрланади.

Бундай ишларни Охангарон, Ургут, Нурота, Янгиқўрғон, Поп, Чортоқ, Бойсун, Сарюсий, Баҳмал, Фарғона каби туризм салоҳияти юқори 20 та туманда ҳам қилиш мумкинлиги таъкидланди. Мутасаддиларга хорижий консултантларни жалб этган ҳолда бу борада мастер режа ишлаб чиқиш топширилди.

Маълумки, яқинда "Бойсун баҳори" халқаро этнофестивали бўлиб ўтди. Бибишарин маҳалласида 6 миллион долларлик 4 юлдазли меҳмонхона, амфитеатр ва ўтовлар қурилди. Кўнгилочар шоулар ўтказилди. Натижада Сурхондарёга сайёҳлар келиши 4 қарра кўпайди.

Умуман, ёшларнинг экстремал туризмга қизиқиши йилдан-йилга осяпти. Бу йўналишни ривожлантириш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси қўйилди.

Ез кунларида аквапарк ва бассейнларга талаб ошиши табиий. Соҳага ажратилган маблағлар доирасида меҳмонхоналарда бассейнлар қурилмоқда. Лекин ҳудудларда туристларни ўзига тортадиган замонавий аквапарклар йўқ.

Табиий кўлар атрофидаги туризм имкониятлари ҳам ишга солинмапти. Масалан, Миришкор туманидаги Сечанкўл ва Ачинкўл бўйида бирорта дам олиш маскани йўқ. Айдар-Арсасой кўлар тизими овчилик ва эко-туризм учун жуда қўлай.

Шулардан келиб чиқиб, аквапарклар қуриш ҳамда кўлар бўйида лойиҳалар қилиш учун ерлар аукционга чиқарилиши белгиланди.

Ў.А.

## БУХОРО БЕҚИЁС ЯНГИЛАНИШЛАР БЎСАФАСИДА

Мамлакатимизнинг бошқа гўшалари каби кўҳна Бухоро ҳаётида ҳам оламшумул ишлар, тарихий воқеалар бениҳоя кўп учраган. Уларни кино тасмаси янглиг ҳаёлан бирма-бир кўз ўнгиндан ўтказаркансан, беихтиёр шу йилнинг 31 май — 1 июнь санасига алоҳида тўхталгинг келади. Айнан шу кунлари давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятида бўлиб, воҳа иқтисодий-ижтимоий ҳаётида туб бурилишларни бошлаётган, аҳоли турмуш даражасини кутилганидан-да юқори поғонага кўтаришга хизмат қиладиган, авлодлар ёдида қолажак залварли ишларга старт берди.



### Ташрифдан кейинги ўйлар

Ташриф жараёнида одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, камбағалликка барҳам бериш, янгидан-янги бизнес лойиҳаларни рўёбга чиқариш, саноатни рағбатлантириш, йўлларни жаҳон андозалари даражасида обод қилиш, инфратузилмани ривожлантириш сингари қатор йўналишларда амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Жойлардаги ҳақиқий аҳволга танқидий-таҳлилий ёндашилди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, шиддат билан ўзгартириб бораётган замонда кечаги кун ўй-хаёли билан яшаб бўлмайди.



## ҲУДУДЛАРДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛ МАРКАЗИДА БЎЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида Шеробод туманидаги "Махнунтол" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, у ерда аҳоли, "маҳалла еттилиги", нурунийлар, хотин-қизлар ва туман Кенгаши депутатлари билан суҳбатлашди.

### Учрашув

"Маҳалла еттилиги" билан кечган мулоқот жараёнида аҳоли бандлигини таъминлаш, бунда даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагидаги инсонларни молия муассасаларини жалб қилган ҳолда қўллаб-қувватлаш, норасмий бандлигининг олдини олиш масалаларига алоҳида урғу қаратилди. Меҳнат миграциясидан қайтган фуқаролар реинтеграциясини самарали ташкил этиш, хотин-қизлар билан ишлаш, ижтимоий-иқтисодий ва маърифий ишларда фаолиятни ошириш юзасидан қатор тавсиялар берилди. Айни чоғда туман Кенгаши депутатлари билан кечган суҳбат асосида уларнинг "маҳалла еттилиги" фаолиятига қўмақлашиши зарурлиги айтиб ўтилди. Шундан сўнг Шеробод тумани ҳокимлигида халқ депутатлари Шеробод тумани маҳалли Кенгаши депутатлари билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотда маҳаллий Кенгашлар фаолиятида самарадорликка эришиш, уларнинг халқ вакили сифатида қонунлар, Президент Фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиш борасидаги ишларини фаоллаштириш ҳамда Сенатдаги ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази томонидан амалий ёрдам кўрсатиш ва мувофиқлаштириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтилди. Учрашув давомида маҳаллий Кенгашлар фаолиятида очилмаган масалалар ҳамда "маҳалла еттилиги" — Кенгаш — Сенат ҳамкорлиги таҳлил марказида бўлди.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Куйи палата Спикери Н. Исмоилов мажлис аввалида ўтган ҳафтада юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеаларга тўхталиб, Хусусан, мамлакатимиз Президентини 31 май — 1 июнь кунлари Бухоро вилоятида бўлиб қайтгани, ташриф доирасида ушбу ҳудудда кичик бизнес, туризм, сервис соҳалари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, саноат зоналари имкониятларидан самарали фойдаланиш, инвестициялар жалб қилишни кенгайтириш бўйича қўшимча имконият ва имтиёзлар яратиш борасида бир қатор вазифалар белгилаб олингани қайд этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ва вазифалар ижросини таъминлашда парламент ҳам фаол қатнашишини билдирди.

### 2023 йилда бажарилган ишлар таҳлилий кўриб чиқилди

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2023 йилдаги ҳафтадаги биринчи чорагадаги ижроси таҳлилий кўриб чиқилди. Унда Вазирлар Маҳкамаси масъул ходимлари, вазирлик ва идора раҳбарлари иштирок этди. Қонунчилик палатаси Спикери Давлат бюджетини билан боғлиқ айрим муҳим масалаларга тўхталиб ўтди. Айтилганидек, янги таҳрирдagi Конституциямизга мувофиқ, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш



# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ — УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАР ЙЎЛИ

Таниқли сийёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Халқ сўзи" газетасининг шу йил 22 май сонидан чоп этилган "Шавкат Мирзиёев: мен умримни шу халққа тикканман!" сарлавҳали таҳлилий мақоласини ўқиб, тўлқинландим. Кўз ўнгимдан яқин 7-8 йилда юртимизда амалга оширилган оламшумул яратувчанлик ишлари гавдаланди. Рақамлар, фактлар тилга кириб, давлат раҳбари раҳнамолигида рўй берган туб ўзгаришлар, ислохотлар кўлампидан сўзлагандай бўлди.

### Акс садо

Муаллиф ҳақ, Бугун одамлар орасида юртимизнинг барча жабҳасида рўй бераётган янгиланишлари кўриб, қўрмасликка олаётган, беписанд қаровчи, унинг қадрига етмайдиган инсонлар ҳам топилади. Келинг, бундан атиги саккиз йил бурунги ҳаётимиз, турмуш тарзимизни, мамлакатимизда ҳукм сурган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазиятни, ҳуқуқий тизимни эсга олайлик.

Нафақат қишлоқ аҳли, миллионлаб шаҳарликлар — талабалар, мактаб ўқувчилари, қўйинчи, халқимизни уч-тўрт ойлаб далада сарсон юришга мажбур қилган, мактабдан тортиб олийгоҳгача, дўкону бозордан тортиб заводу фабрикагача ишхоналар эшикларининг така-

так ёпилишига сабаб бўладиган "пахта куллиги" мавсумини эсласак, ҳамон юрак ачишади. Ҳар йили умримизнинг чорак қисмини "оқ олтин" аталмиш маҳсулотни йиғиб-териб олишга сарфлардик. Аёллар, болалар, ҳатто қариялар қуёш тилгида, қаҳратон совуқда, қорайиб қолган далада декабрь охирига қадар юришга мажбур эди. Энг ёмони, бу қора меҳнат учун дегарли ҳақ тўланмасди. Еган-ичганин билан ҳисоб-китоб тўриланиб кетиларди. Қорхона, ташкилотлар ишлари тўхтаб, катта зарар қўригани майли, ўқувчилар, талабалар таълим олишдан маҳрум бўларди. Ачинарлиси, шунча заҳмат эвазига етиштирилган пахтамиз "мажбурий меҳнат" маҳсули бўлгани боис харидор камлиги натижасида жаҳон бозорларида сўвтекинга сотиларди. Шўрлар даврида авжига чиққан, мустақил-

лик даврида ҳам давом этган бу тизим ўзбекнинг пешонасига ёзилган тақдир азалга ўхшарди. Ҳаммамиз бунга кўнмаган, шусиз тараққиёт йўқдек, пахтасиз ҳолимиз харобдек, кунимиз ўтмайди, кунимиз иқтисодимиз чўкиб қоладигандай туюларди... Ана шундай "мустаҳкам, томири сувга етган" "пахта куллиги" тизимини Шавкат Мирзиёев қисқа муддат ичида таг-томири билан қўриб ташлаганини, халқимизни мажбурий меҳнат тузоғидан халос қилганини буғунги ёшлар билладими? Ҳозир мактабларда режа бўйича таълим олаётган, олийгоҳларда "олтин давр"ни бошдан кечираётган талабалар, машоғули бир неча баробарга ошиб, елкасига офтоб теккан мураббий, устозларда шукроналик ҳисси қай даражада? Энг асосийси, ҳамма ўз ишини қиялпти: ишчи дастгоҳи ёнида, тадбиркор яратиш билан банд, ўқувчи ва муаллим мактаби кўчигида... Пахта экилмоқда, парвариш қилинмоқда, терилмоқда, қайта ишланиб, тола сифатида эмас, тайёр маҳсулот сифатида сотилмоқда. Ҳосилдорлик ошмоқда... Бир мисол: Қуйи Чирчиқ туманида беш-олти йил муқаддам пахта ҳосилдорлиги гектарига 16 — 18 центнердан

ошмасди. Туманда "ТСТ Cluster" кластери фаолиятини бошлаётган, қисқа муддат ичида ҳосилдорлик 45 центнерга кўтарилди, пахтани қайта ишлашчи ўн минг киши ишлайдиган тўқимачилик фабрикаси иш бошлади. Ана, қисса бўларкан-ку! Иқтисодий дастак ишга солинса, ҳеч қандай зўриқишсиз, бақир-чақир, асаббўзарликсиз пахта етиштирса бўлади. Эътибор беринг: кечагина пул-валюта тизимидаги қўсурулар ҳар бир фуқаро учун бош ортиги эмасиди? Ишчи, хизматчи, деҳқон меҳнати учун иш ҳақини, нафақахўр арзиманган нафақасини ололмай, ойлаб сарсон-саргардон юрмасиди? Аҳолининг катта қисми пешона тери билан топган ва пластикга ташланган пулини 20 — 30 фоиз зарарига нақдлаштириб мулзам бўлгани, аламидан ич-этини егани ёдимиздан чиқиб кетдими? Хорижга чиқиб, даволанишга бориш учун валюта алмаштириш шохобчаларида кети йўқ навбатларда сарғайиб туриб, уйига ноумид қайтган пайтлардаги ҳолатимизни эсдан чиқариб юбормадикми? Бир гурӯҳ қорчалонлар, "долларфуруш"ларнинг даромад манбаига айланган қолган бу тизимдаги ноҳақликлар, адолатсизликлардан диллимиз озорлангани ёлғонми?









Лоурель ГРЕЙ хоним:

АҚШДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ РАҚС САЊЪАТИНИ ЎРГАНИШГА ИШТИЁҚ ОШИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида "Silk Road Dance" рақс маркази директори, таниқли хореограф Лоурель Грейнинг "Ўзбекистон аёллар рақс анъаналари" китобининг тақдими ўтказилди.

Биз ва жаҳон

Унда АҚШ Президентининг имкониятлари чекланган шахслар бўйича маслаҳатчи Сара Минкара, Миллий хавфсизлик кенгашининг Марказий Осиё бўйича катта директори Брианна Тодд, Конгресс, Давлат департаменти, Савдо вазирлиги, ЮСАИД ва Жаҳон банки вакиллари, шунингдек, Конгресс кутубхонаси, Смитсон институти ва Жорж Вашингтон университети Тўқимачилик музейи экспертлари ҳамда таниқли маданият ва санъат намояндalарини, журналист ва блогерлар иштирок этди.

Миллий рақс санъатининг барча йўналиши бўйича маълумот ва тавсифлар келтирилган. "Рақсга тушишни ўрганаётган пайтда сиз нафақат баъзи ҳаракат ёки элементларни ўзлаштирасиз, балки ўзингиз учун янги маданиятни, ҳаёт тарзи ва мамлакат анъаналарини кашф қиласиз", дея қайд этди муаллиф.

Таъдир давомида меҳмонларга "Silk Road Dance" рақс гуруҳи аъзолари ижросидаги "Доирангни чал", "Лаэги", "Жонон бўламан деб" каби ўзбек миллий куй ва кўшиқларига саҳналаштирилган рақслар ижро этилди. Иштирокчилар ўзбек миллий рақсларининг нафислиги ва гўзаллигидан чинаяк завқ олишди.

АҚШ Президентининг имкониятлари чекланган шахслар бўйича маслаҳатчи Сара Минкара ушбу тадбирда иштирок этиш таклифи учун миннатдорлик билдириб, ўзбек миллий рақслари ва мусиқасининг маҳобати ҳақида кўп марта эшит-

ганини маълум қилди. Унинг айтишича, тақдими давомида ижро этилган рақслар ва мусикалар ўзбек халқининг маданияти ҳамда тарихини яққол намоён қилгани билан эътиборга молик.

АҚШ Конгресси кутубхонасининг Яқин Шарқ ва Африка адабиёти бўлими директори Жон Виск ушбу тадбирда қатнашганидан мамнунлигини таъкидларкан, Конгресс кутубхонасида Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид кўпқабатли китоблар сақланишини маълум қилди. "Конгресс кутубхонасига ташириб буюрувчиларнинг кўпчилиги Ўзбекистон тарихини диққат билан ўрганишди. "Ўзбекистон аёллар рақс анъаналари" китоби ҳам эндиликда Конгресс кутубхонасидан муносиб жой эгаллайди. Эътиборлиси, Ўзбекистон элчихонаси билан ҳамкорликда ушбу китобнинг тақдими маросимини Конгресс биносида ҳам ташкил этмоқчимиз", деди у.

"Washington Life" журнали вакили Марина Поутиатине мамлакатимиз ҳақида кўп эшитганини ва ушбу тадбирда намойиш этилган ўзбек санъати ва маданияти намуналаридан катта таассурот олганини маълум қилди. "Ўзбек аёллар рақси ва миллий таомиларининг таъми, айниқса, палов бугунги тадбирнинг энг жозибали қисмларидан бири бўлди", деди Марина Поутиатине.

Шу ўринда айтиш жоизки, тақдимида иштирок этган меҳмонлар мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистонга ташириб буюриш истагини ҳам билдирди.

«Дунё» АА. Вашингтон

ФАРЗАНДИНГИЗГА

КИТОБ СОВҒА ҚИЛГАНМИСИЗ?

Донишмандларимиз "Тарбия, аввало, оиладан бошланади", деб бежиз айтишмаган. Оилада яхши тарбия, билим олган бола вояга етганидан кейин ҳам шу йўналишда кетади. Асосийси, оилада берилган адаб, кўникмалар кейинчалик вақт ўтиб ҳаёт уммонида ўз самарасини бериши ўз исботини топган.

Менга сўз беринг!

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи оилаларда болалар тарбиясига бефарқ қараш кўп кузатилади. Боғча ёшидаги бола кўлида ҳам, мактаб ўқувчиларининг чўнтагида ҳам смартфон... Балогатга етмаган болага телефон нимага керак? У телефондан нима мақсадда фойдаланмоқда? Ота-оналар бунга назорат қиляптими? Айнан шу саволлар ҳозирги кунда жамиятдаги долзарб муаммага айланиб бораётди.

Айни пайтда воҳамизда 35 та китоб дўкони, 1 072 та кутубхона аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Мазкур зиё масканлари 2,5 миллионга яқин бадиий адабиёт, дарслик ва соҳавий китоблар фондига эга.

Ахборот-кутубхона марказлари янги нашрлар билан бойитилаётди. Жумладан, биргина ўтган йили вилоят ҳамда туманлар ахборот-кутубхона марказларининг ахтиёжларидан келиб чиқиб, Адиб Собир Термизий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази 100 миллион сўмлик, туманлар ахборот-кутубхона марказларининг ҳар бири 50 миллион сўмлик янги чоп этилган китоблар билан таъминлангани, айниқса, таҳсинга сазовордир.

Жорий йилда эса "Юз минг китоб" акцияси ўтказилиб, мактабларга босмадан янги чиққан бадиий адабиётлар етказилгани барчамизни қувонтиради.

Вилоятимиз бўйлаб ўтказилган "Китобхонлик ҳафталиги" мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг мантқий давоми бўлди, десак, муболага эмас. Ҳафталик давомида "Очиқ эшиклар кўни" китоблар кўргазмаси, "Бир фарзандаг учта китоб", "Бир ҳафтада бир китоб", "Фарзандимга китоб совға қиламан" акциялари ташкил этилди. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оилавий китоб ўқиш анъанасини йўлга қўйиш мақсадида "Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон ўқувчи" танловлари ўтказилди.

Хўш, ушбу тадбирларда ёшларимиз, ота-оналарнинг иштироки қандай бўлди? Афсуски, тахлиллар унчалик қувонarli эмас. Китобхонлик масаласига ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётган, ушбу мақсадлар учун йирик ҳажмдаги маблағлар йўналтирилаётган бир пайтда, ота-оналар бу имкониятлардан унмўли фойдаланмаётгандай, назаримизда. Ярамқаларда

фарзандининг кўлидан етаклаб, китоб харид қилаётган ота-оналар деярли учрамайди. Баъзи ёшларни ҳисобга олмаганда, кўпчилигининг китобга қизиқиши паст... Ваҳоланки, фарзандларимизни қомил инсон қилиб вояга етказасак, унинг мевасидан, аввало, ота-оналар бахраманд бўлиши, қолаверса, бундан бутун жамият ютиши исбот талаб қилмайдиغان ҳақиқатку?

Унутмайлик, руҳни озиклантириш маънавий озик — ахборот, билим олиш, ақли идрокни ривожлантириш эвазига бўлади. Инсон руҳини озиклантирувчи манбаларнинг энг асосийси китобдир.

Энди айтинг-чи, фарзандингизга қачон ва қандай китоб совға қилдингиз?

Дилрабо ШОДИЕВА, ўқитувчи.



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

БОЛАЖОНЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

Хива шаҳрида Хоразм вилояти кўғирчоқ театрининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг кўрғиға кўрк бўлиб қўшилган ушбу санъат қошоноси болажонлар учун чинакам байрам совғаси бўлди.

Маданият

Янги бино қурилиши учун бюджетдан 13 миллиард сўм маблағ сарфланди. 160 ўринли томошалар зали ва бошқа қўшимча хоналар замонавий дизайн асосида безатилиб, театр жамоасининг эркин ижод қилиши учун зарур бўлган барча шароит яратилган.

— Янги бинодаги имкониятлар ёш томошабинлар ва театр жамоаси учун ҳам қулайликлар яратди, — дейди Хоразм вилояти кўғирчоқ театри директори Даврон Отабоев. — Театримизнинг жорий репертуаридан 25 та спектакль ўрин олган бўлиб, ушбу саҳна асарларидан жорий 5 ой мобайнида 80 минг нафар ёш томошабин бахраманд бўлди. Ёзги таътил даврида эса театримиз янада даврлаштириб, болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишига хизмат қиладиган сеvimли масканга айланишига шубҳа йўқ.

«Халқ сўзи».

САЙРОҚИ ҚУШЛАР МЎМАЙ ДАРОМАД КЕЛТИРМОҚДА

Ғузур туманининг Наврўз маҳалласида яшовчи Шоҳмурод Ҳайдаровнинг ҳовлисига кирсангиз, гўё қушлар оламига тушиб қолгандек бўласиз. Бу ердаги минглаб сайроқи қушлар хонишини тинглаб, гўзаллигидан завқланиб, дилингиз яйрайди.

Оилавий тадбиркорлик

Эътиборли томони, ихчамгина ҳовлидаги бу ўзгача муҳит оила учун нафақат завқ, балки яхшигина даромад манбаига ҳам айланган. — Болалигимда отам бир жуфт қанарейка совға қилгани, қушларга меҳрим шундан бошланган, — дейди Шоҳмурод Ҳайдаров. — Кейинчалик нафақат қанарейка, балки бошқа турдаги сайроқи ва чиройли қушларни кўпайтира бошладим. Кўпинча синфдошларим, маҳалладошларим қушларга харидор бўлиб, сотишни сўрашди. Бу эса кўш боқини даромад манбаига айлантиришимга туртки бўлди.



Бирмунча вақт уй шароитида сайроқи ва декоратив қушларни кўпайтириб сотиш билан шуғулланган ёш тадбиркор ўтган йили тижорат банкнинг молиявий кўмағи билан фаолиятини янада кенгайтириб, паррандаларни парваришлаш учун замонавий қафаслар харид қилди. — Аввал барча қушларни битта хонада боқардик, — дейди у. — Бунда, масалан, жұрта очирғунча ўнта тухумдан камидир тўрттаси палағда бўлар, кейин полапонни парваришлаб катта қилгунга қадар ҳам йўқотишлар бўларди. Боиси турли фель-авторга эга қушлар бир-бирини чўкиб ҳам, нобуд қилиб қўйиши мумкин. Хар турли қушлар учун алоҳида қафас олингач эса деярли йўқотиш бўлмайпти. Шунга қараб даромад ҳам ошиб бормоқда.

Сўхбатдошимизнинг таъкидлашича, қуш парваришида уларнинг фель-авторидан тортиб қайси турдаги қушларни уйда парваришлаш мумкин, қайсисини туққундада тутиш мумкин эмаслигини билиш муҳим аҳамият касб этади.

— Бугунги кунда парваришлаётган қушларимизнинг турти ўндан ортик, — дейди у. — Ҳозир бир ойда табиий очирш ҳамда инкубатор воситасида 100 дан ортик жұжалар олямпиз. Уларни бироз парваришлаб, катта қилгач бозорга чиқарамиз. Шоҳмурод кўпайтириб сотаётган қушларнинг ичида нархи 100 минг сўмдан ошадиганлари ҳам, 40 — 50 минг сўм атрофидагилари ҳам бор. Ўртача 70 мингдан ҳисоблаганда ҳам бир ойда юздан ошиқ қушларнинг пули камида 7 миллион сўм бўлади. Ёш оила учун бу кичик даромад эмас, албатта.

Эътиборли томони, ёш тадбиркорнинг бу иштини кўриб, маҳаллада қуш боқишга қизиқувчилар сони ошмоқда.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

ОҲАЛИК, ОҚБЎЙРО ВА МИРОНҚУЛДА НИМА ЎЗГАРАДИ?

Самарқанд туманида "Оҳалик — Оқбўйро — Миронкул" туристик-рекреация зонаси ташкил этилади. Уни бошқариш мақсадида эса туман ҳокимлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида "Оҳалик — Оқбўйро — Миронкул" туристик-рекреация зонаси дирекцияси фаолияти йўлга қўйилди.

Сайёҳлик

Айтиш лозимки, бу тоғли ҳудудда атрофнинг гўзал табиати, мусавфо ҳавоси туфайли аввал бир неча болалар оромгоҳлари қурилган бўлса, кейинги йилларда аҳоли томонидан дам олиш масканлари ташкил этилди. Энди эса эко ҳамдан экстремал туризмни ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилиб, замонавий талаблар асосида тез қуриладиган жойлаштириш воситалари, савдо-қўнғилочар ва бошқа туризм инфратузилма объектлари барпо этилади.



Албатта, бу ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан амалга оширилмоқда. Ушбу ҳужжатда 1 ой муддатда "Оҳалик — Оқбўйро — Миронкул" туристик-рекреация зонаси фаолиятини йўлга қўйиш, жорий йилнинг 1 августига қадар зонанинг мастер-режасини ишлаб чиқиш ва талаб этиладиган ер майдонлари тоифа-

Мисол учун, узунлиги 6 километр, учта тўхташ станциясидан иборат осма дор (канат) йўли тортиш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, 110 минг сайёҳчи қабул қилиш имкониятига эга модулли дам олиш масканлари, меҳмонхона, кемпинг, эко-уй ва боғлар, чўмилиш ҳавзаларини ўз ичига олган 40 та лойиҳа тақлиф этиляпти. Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Чунки ҳудуддаги 6 мингга тураржойда 15 мингга яқин аҳоли яшайди.

Айни пайтда хар бир хонадон ва бошқа қурилмалар хатловдан ўтказилиб, маълумотлар жамланмоқда. Хужжат асосида Оҳалик, Оқбўйро ва Миронкулда жами 4656 гектар ер майдонини белгиланган тартибда дирекция ҳисобига ўтказишдан иборат.

Ҳудудда умумий майдони 1697 гектар бўлган "Оҳалик", 414 гектардан иборат "Оқбўйро" ҳамда 2545 гектарда "Миронкул" тоғ туризми лойиҳалари амалга оширилади. 2024-2025 йилларда ташкил этиладиган туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини

қуриш учун маҳаллий ва хорижий инвесторлар жалб этилади. Алоҳида айтиш лозимки, ҳудудда бошқа инфратузилма тўлиқ давлат томонидан, яъни республика ва маҳаллий бюджет ҳисобидан ташкил қилиб берилди. Мисол учун, 2025-2026 йилларда туристик-рекреация зона ва унга олиб борувчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун республика бюджетидан 31 млрд. 81 млн. сўм, маҳаллий бюджетдан 8 млрд. 900 млн. сўм сарфланиши режалаштирилган.

Вилоят маҳаллий бюджетидан йўл инфратузилмасини қайта қуриш, жорий ва муқаммал таъмирлашга ҳам 14 млрд. 700 млн. сўм ажратилади.

Электр энергияси тармоқларини қуриш ва таъмирлаш, ичимлик суви ва оқова тармоқларини қуриш, қайта қуриш ва модернизация қилиш республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ҳудудда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш учун "Ўзбек-телеком" акциядорлик компанияси 97,4 млн. сўм сарфлаши белгиланган.

Баҳриддин ХОНКЕЛДИЕВ, Самарқанд тумани

Ўзбекистонлик ўқувчилар Осиё физика олимпиадасида иштирок этиш учун Малайзияга йўл олди.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, including contact information, subscription rates, and a QR code.